

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

ТУРАЕВ НОСИРЖОН СОБИРЖОНОВИЧ

**АНОР ТУПЛАРИНИ ЯРИМ ОЧАДИГАН МАШИНА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Тураев Носиржон Собиржонович Анор тупларини ярим очадиган машина параметрларини асослаш.....	3
Тураев Носиржон Собиржонович Обоснование параметры машины для полукроткрытия кустов гранат.....	21
Turayev Nosirjon Sobirjonovich Substantiation of machine parameters for half-open pomegranate bushes.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ТУРАЕВ НОСИРЖОН СОБИРЖОНОВИЧ

**АНОР ТУПЛАРИНИ ЯРИМ ОЧАДИГАН МАШИНА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1997 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammqi_info@edu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Имомқулов Қутбиддин Боқижонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тожиев Расулжон Жумабоевич
техника фанлари доктори, профессор

Насритдинов Ахмаджон Абдихамидович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160103, Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nammqi_info@edu.uz.)

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18781 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160103, Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nammqi_info@edu.uz.)

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Г. Байбобоев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

В.М. Турдалиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.Х. Умурзақов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишки мавсумда кўмилган кўчатларни очишда, жумладан анор тупларини, уларга шикаст етказмасдан ишлов берадиган энергия-ресурстежамкор, иш унуми юқори ва содда конструкцияли машиналарни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кенг жорий этиш етакчи ўрин тутмоқда. «Ҳозирда дунё бўйича субтропик мевали дарахтлар ҳар йили 0,6 млрд. гектар майдонга етиштирилишини»¹ ҳисобга олсак, уларни парваришда кўлланиладиган машиналарни конструкциялари аввало мослашувчан, тез созланадиган, иш сифати юқори бўлиши лозим. Шу жиҳатдан, анор тупларига ишлов беришда кўлланиладиган мавжуд техника воситаларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда анор тупларини парваришдаш технологиялари ва техник воситаларининг ресурстежамкор ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги авлодларини яратиш, мавжудларини такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда анор тупларини кам шикастлаган ҳолда талаб даражасида ишлов берадиган энергия-ресурстежамкор машиналар конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларнинг технологик иш жараёнларини ва ишчи органларининг параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда боғдорчилик ва деҳқон хўжаликларидида қиш мавсумида анор туплари кўмилиши ва эрта баҳорда очилишини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун анор тупларига ишлов берадиган ва юқори иш унумига эга бўлган машиналарни ишлаб чиқиш ва кўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, кўмилган анор тупларини шикаст етказмасдан очадиган, технологик жиҳатдан такомиллашган машина конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг ишчи органларининг параметрларини асослаш ҳамда юқори иш унумини таъминлаш бугунги кунда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалик

¹<http://www.nrcs.usda.gov>, <http://cropwatch.unl.edu/tillage/ridge>; <https://www.moluch.ru>, <https://www.zerno-ua.com>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика хуудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Субтропик мевали кўчат тупларини тупроқ остидан очиш машиналари конструкцияларни ишлаб чиқиш билан хорижда Е.С.Нежавенко, Г.П.Мартынов, Г.Д.Паламарчук, ток кўчатларини ярим очадиған мосламалари ҳамда уларнинг иш органлари яратиш бўйича Е.П.Гапонов, А.И.Кирюшин, В.И.Попов, Ю.П.Маркин, В.И.Замшин ва бошқа олимлар томонидан тадқиқот ишлари ўтказилган.

Республикада боғдорчилик ва токчилик машиналари конструкцияларини такомиллаштириш ҳамда параметрларини асослаш бўйича академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари Э.И.Ирматов, Т.Т.Ахмедов, Ш.Буходуров, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти олимлари А.Тўхтақўзиев, Қ.Б.Имомқулов, Э.Абдуназаров ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мазкур тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган бўлсада, аммо кўмилган анор тупларини кам шикастлаган ҳолда талаблар даражасида ярим очадиған энергия-ресурстежамкор машинанинг иш жараёни ва параметрларини асослаш юзасидан етарли даражада илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ҚХ-2019-11 “Анор тупларини кўмадиған ва очадиған машиналар ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари” (2019-2021) мавзусидаги инновация лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади анор тупларини ярим очадиған машинанинг агротехника талаблари даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиған параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мевали кўчат тупларини очишда қўлланиладиган техника воситаларининг параметрлари асослаш бўйича олиб борилган илмий-

тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

анор тупларини очишга қўйиладиган асосий агротехника талабларини ишлаб чиқиш;

анор тупларини ярим очадиған машина параметрларини асослаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

асосланган параметрларга эга бўлган анор тупларини ярим очадиған машинанинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва дала синовларини ўтказиш;

асосланган параметрларга эга бўлган анор тупларини ярим очадиған машина қўлланилишининг иқтисодий самарасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти анор тупларини ярим очадиған машина ва унинг ишчи органлари, анор туплари ҳамда тупроқни ўзаро таъсирлашиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети анор тупларини ярим очадиған машинанинг иш жараёнлари, параметрларни ифодаловчи математик моделлар, аналитик боғланишлар, машинанинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини, ишчи органларнинг параметрларини ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ҳамда тензометрия усуллари қўлланилган ва мавжуд меъёрий ҳужжатларда (О'з DSt 3412:2019 “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари”, О'з DSt 3355:2018 “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ чуқур ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари О'з DSt 3193:2017 “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш усули”) келтирилган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўмилган анор тупларини агротехник талаблар асосида, уларга шикаст етказмасдан ярим очадиған машинанинг конструкцияси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

анор тупларини ярим очадиған машина корпуслари лемехларининг узунликлари ва тупроққа кириш бурчакларини аниқлаш имконини берадиған аналитик ифодалар ишқаланиш бурчакларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

машинанинг иш жараёнини очиб берилиши натижасида умумий тортишга қаршилиқни ифодаловчи математик модел корпус лемехининг тупроққа кириш бурчаги ва ҳаракат тезлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда унинг ўзгариш чегаралари аниқланган;

анор тупларини ярим очадиған машина корпуслари, лемехлари орасидаги кўндаланг масофа, лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги ва иш тезликларининг рационал қийматларини аниқлашни имконини берадиған эмпирик формула регрессион таҳлил асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузда кўмилган анор тупларини баҳорда ярим очишда қўлланиладиган машинанинг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини

таъминлайдиган параметрлари асосланган;

ишлаб чиқилган мақбул параметрларга эга бўлган анор тупларини ярим очадиغان машинани қўллаш анор тупларига шикаст етказмасдан очилишини таъминлайди ҳамда уларни очишга сарфланадиган эксплуатацион харажатларни 16,2 фоизгача камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, анор тупларини ярим очадиغان машина дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анор тупларини ярим очишда қўлланиладиган машинанинг сифат ва энергетик кўрсаткичларини унинг параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи аналитик боғланишлар олинганлиги ва улардан бошқа шунга ўхшаш қурилма ва иш органларини ишлаб чиқиш ҳамда параметрларини асослашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти асосланган параметрларга эга бўлган анор тупларини ярим очадиغان машина билан очиш ҳисобига моддий харажатлар ва меҳнат сарфини камайтириш ҳамда иш унумини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анор тупларини ярим очишда қўлланиладиган машинанинг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

агротехник талаблар асосида ишлайдиган анор тупларини ярим очадиغان машина Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳамда Сирдарё вилояти Гулистон ва Мирзаобод туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 4 июндаги 02/023-2377-сон маълумотномаси). Натижада, анор тупларини очишда меҳнат сарфи 14,0 фоизга ва эксплуатацион харажатларни 16,2 фоизга камайтиришга эришилган;

иш жараёнида анор кўчатларига кам шикаст етказадиган анор тупларини ярим очадиغان машинанинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун унинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ҳамда ҳисоблаш усуллари «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 4 июндаги 02/023-2377-сон маълумотномаси). Натижада, илмий асосланган конструкцияга эга бўлган ресурстежамкор анор тупларини ярим очадиغان машинани ишлаб чиқиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 4 та ҳалқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бештата боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши. Тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида республикада анорчилик соҳасининг ҳозирги аҳволи, анор тупларининг илдиз тизими архитектоникаси, республикада ва хорижда кўмилган субтропик мевали кўчат тупларини очишда қўлланиладиган технология ва техника воситаларининг таҳлили, мевали кўчат тупларини очишда қўлланиладиган техника воситалари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили, анор тупларини ярим очадиган машинага қўйиладиган асосий агротехника талаблари таҳлил қилиб чиқилган ва улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги кунда республикада 8000 гектардан ортиқ анорзорлар мавжуд бўлиб анорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан олинган маълумотлар бўйича 1 гектар майдондаги анор тупларини кўмиш ва очиш учун 64-72 киши-соат меҳнат сарфланади. Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналар қўлланилганда бу кўрсаткич 1,8-2,2 киши-соатни ташкил этади, яъни 33-35 марта камаяди. Бундан ташқари, республикада миқёсида минглаб ишчилар оғир қўл меҳнатидан халос бўлишади. Шу билан бирга машиналарни қўллаш анор тупларини мақбул муддатларда сифатли кўмиш ва очишни таъминлайди. Бунинг натижасида уларни совуқ уришини олди олинади, ҳосилдорлик ортади, кўплаб майдонларда анорзорларни ташкил этишга имкон яратилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда ўтказиладиган тадқиқотлар кузда кўмилган анор тупларини баҳорда ярим очадиган машина ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослашга йўналтирилган.


Диссертациянинг «**Анор тупларини очишнинг технологик асослари**» деб номланган иккинчи бобида кўмилган анорзорлар тупроғининг физик-механик хоссалари ҳамда кўмилган анор туплари устидаги тупроқ уюмининг

параметрларини ўрганишга доир тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқот ишларининг таҳлили 2, 4 ва 6 йиллик кузда кўмилган анорзорлардаги тупроқ кузда кўмилган уюмининг 0-30 см қатламдаги намлиги мос равишда 13,32-19,81; 12,92-20,46 ва 13,73-20,32 фоизни, қаттиқлиги мос равишда 1,08-1,33; 1,10-1,36 ва 1,23-1,51 МПа ни ҳамда зичлиги эса мос равишда 0,95-1,34; 0,97-1,38 ва 1,19-1,56 g/cm^3 ни, анор туплари устидаги тупроқ уюмининг ўртача эни мос равишда 88 см, 106 см ва 123 см, уларнинг ўртача баландлиги мос равишда 17 см, 32 см ва 47 см, уюмланган анор тупининг ўртача эни мос равишда 30 см, 50 см ва 70 см, ўртача баландлиги эса мос равишда 10 см, 19 см ва 33 см, кўмилган анор тупи устидаги тупроқ қалинлиги ўртача мос равишда 7 см, 12 см ва 13 см бўлишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Анор тупларини ярим очадиган машина параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида машинанинг технологик иш жараёни ва конструктив схемасини ишлаб чиқиш, унинг параметрларини асослаш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Анор тупларини ярим очадиган машина (кейинги ўринларда машина) рама 1, унга ўрнатилган осиш қурилмаси 2, ўнг 3 ва чап 4 корпуслар, тик ўқлар 5 ва 6 воситасида алоҳида ўрнатилган ўнг 7 ва чап 8 лемехлар, уларга ўрнатилган тупроқ йўналгичлар 9 ва 10, иккинчи жуфт лемехлар 11, 12 ва уларга ўрнатилган тупроқ йўналгичлар 13 ва 14, тортиш пружиналари 15 ҳамда таянч ғилдирақлар 16 ва 17 дан ташкил топган (1-расм).



1-расм. Анор тупларини ярим очадиган машинанинг конструктив схемаси

Машинанинг иш жараёни қуйидагича кечади: ўнг 3 ва чап 4 корпуслар анор туплари устига уюлган тупроқни икки ён томонидан кесиб, уларни кўмишда ҳосил бўлган очик эгатга ағдаради, ундан кейин лемехлар 7 ва 8 анор тупларига шикаст етказмасдан уларга янада яқинлашиб корпуслардан қолган тупроқларни олиб, тупроқ йўналтиргичлар 9 ва 10 орқали қатор ораларига суради ва кейин ҳаракатланувчи лемехлар 11, 12 ва уларга ўрнатилган тупроқ сургичлар 13 ва 14 қолган тупроқ уюмини суришни давом эттиради. Бунда пружиналар лемехлар 7, 8, 11 ва 12 анор тупларига шикаст етказмасдан, таянч ғилдираклар 16 ва 17 эса уларни ҳамда корпуслар 3 ва 4 ни белгиланган чуқурликка ботиб ишлашларини таъминлайди.

Қуйидагилар машинанинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган асосий параметрлари ҳисобланади (1-расм):

L_k - машина корпуслари орасидаги кўндаланг масофа, м;

b_k, h_k - машина корпусларининг қамраш кенглиги ва тупроққа ботиш чуқурлиги, м;

B_1, B_2 - машина биринчи ва иккинчи жуфт лемехларининг қамраш кенгликлари, м;

B_3, B_4 - биринчи ва иккинчи жуфт лемехларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг қамраш кенгликлари, м;

γ_n, γ_m - машина лемехлари ва уларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг ҳаракат йўналишларига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, град;

α_1, α_2 - машина лемехларининг тупроққа кириш бурчаклари, град;

β_1, β_2 - машина лемехларининг увалаш бурчаклари, град;

l_1, l_2 - машина лемехларининг узунликлари, м;

l_3, l_4 - тупроқ йўналтиргичларнинг узунликлари, м.

Машина корпуслари орасидаги кўндаланг масофани улар томонидан анор туплари илдизларининг шикастланиши минимал бўлиши шартидан қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$L_k \geq 2\Delta, \quad (1)$$

бунда Δ – анор туплари ҳимоя зонасининг кенглиги, м.

Адабиётлардан келтирилган маълумотлар бўйича анор туплари ҳимоя зонасининг кенглигини 40 см, яъни $\Delta=40$ см қабул қилиб, (1) ифода бўйича машина корпуслари орасидаги масофа камида 80 см бўлиши лозимлиги аниқланди.

Машина корпусларининг қамраш кенглиги ва тупроққа ботиш чуқурлиги улар томонидан икки ёни кесиб олингандан кейин қолган тупроқ уюми улар ҳосил қилган очик эгатларга тўлиқ жойлашиши лозимлиги шартидан аниқланди. Маълумки корпус томонидан ишлов берилаётган палахса тўлиқ ағдарилиши учун $h_k \leq 0,8b_k$ шарт бажарилиши лозим. Буни ҳисобга олган ҳолда b_k ва h_k ни аниқлаш учун қуйидаги ифодалар олинди



$$0,8b_k^2 = \frac{1}{2} \left\{ 2 \left(\frac{A}{2} - b_k \right) H \left[1 - \frac{4 \left(\frac{A}{2} - b_k \right)^2}{3A^2} \right] - (1-m)\pi c e \right\} \quad (2)$$

ва

$$1,25h_k^2 = \frac{1}{2} \left\{ 2 \left(\frac{A}{2} - 1,25h_k \right) H \left[1 - \frac{4 \left(\frac{A}{2} - 1,25h_k \right)^2}{3A^2} \right] - (1-m)\pi c e \right\}, \quad (3)$$

бунда A – тупроқ уюмининг кенглиги, м; H – тупроқ уюмининг баландлиги, м; m – тупроқ бўлақларини анор шохлари орасига кириб қолишини ҳисобга оладиган коэффицент; c, e – мос равишда кўмилган анор тупини кўндаланг кесимининг эллипсининг катта ва кичик ярим ўқлари.



(2) ва (3) ифодалардан b_k ва h_k ни топиш учун Y_1, Y_2, Y_3, Y_4 белгилашлар киритилди ва $A = 120$ см, $H = 45$ см, $m = 0,5$, $c = 40$ см ва $e = 25$ см қабул қилиб, $Y_1 = f(b_k)$, $Y_2 = f(b_k)$, $Y_3 = f(h_k)$ ва $Y_4 = f(h_k)$ график боғланишлар қурилди (2 ва 3-расмлар).



1, 2 ва 3 – мос равишда $A = 110, 115$ ва 120 см бўлганда

1, 2 ва 3 – мос равишда $H = 45, 50$ ва 55 см бўлганда

2-расм. Y_1 ва Y_2 ларни корпуснинг қамраш кенглигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари



1, 2 ва 3 – мос равишда $A = 110, 115$ ва 120 см бўлганда

1, 2 ва 3 – мос равишда $H = 45, 50$ ва 55 см бўлганда

3-расм. Y_3 ва Y_4 ларни корпуснинг тупроққа ботиш чуқурлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

Бунда $Y_1 = f(b_k)$ ва $Y_2 = f(b_k)$ ларни кесишган нуқталари b_k ни, $Y_3 = f(h_k)$ ва $Y_4 = f(h_k)$ ларни кесишган нуқталари h_k ни ечими бўлади.

Ушбу расмларда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, машина корпусларининг қамраш кенглиги 28-30 см, тупроққа ботиш чуқурлиги эса 21-24 см оралиғида бўлиши лозим.

Машинанинг биринчи ва иккинчи жуфт лемехларининг қамраш кенгликлари улар томонидан уюмда қолган тупроқ тўлиқ корпуслар ҳосил қилган очиқ эгатларга сурилиши таъминланиши лозимлиги шартидан келиб чиқиб қуйидаги ифодалар бўйича аниқланди

$$B_1 = B_2 \geq 0,5\Delta. \quad (4)$$

Δ ни юқорида келтирилган қийматини (4) ифодага қўйиб, лемехларнинг қамраш кенгликлари 20 см дан кам бўлмаслиги лозимлиги аниқланди.

Машинанинг биринчи ва иккинчи жуфт лемехларига ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг қамраш кенгликларини уларнинг лемехлари томонидан ишлов берилган тупроқни корпуслар томонидан ҳосил қилинган очиқ эгатларга етказиб беришлари шартидан қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаймиз

$$B_3 = B_1 \geq 0,5\Delta \quad (5)$$

ва

$$B_4 = B_1 + B_2 \geq \Delta. \quad (6)$$

Бу ифодаларга B_1 ва B_2 нинг юқорида аниқланган қийматларини қўйиб биринчи жуфт лемехларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг қамраш кенглиги камида 20 см, иккинчи жуфт лемехларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг қамраш кенглиги эса камида 40 см бўлиши лозимлиги аниқланди.

Машинанинг лемехлари ва тупроқ йўналтиргичларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчакларини тупроқ, бегона ўтлар, уларнинг илдизлари ҳамда анор шохларининг лемехлар ва тупроқ йўналтиргичларнинг ишчи сиртларида эркин сирпаниши таъминланиши шартда келиб чиқиб қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$\gamma_n = \gamma_m = \frac{90^\circ - \varphi_{m\delta}}{2}, \quad (7)$$

бунда $\varphi_{m\delta}$ —тупроқ ва бегона ўт илдизлари ҳамда анор шохларининг лемехлар ва тупроқ йўналтиргичларга ишқаланиш бурчаклари, град.

$\varphi_{m\delta}=30-40^\circ$ қабул қилиб, (7) ифода бўйича лемехлар ва тупроқ йўналтиргичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги $25-30^\circ$ оралиғида бўлиши лозимлиги аниқланди.

Машина лемехларининг тупроққа кириш ва увалаш бурчакларини тупроқнинг сифатли уваланиши ва энергиятежамкорлик таъминланиши шартидан келтириб чиқарилган қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаймиз

$$\alpha_1 = \alpha_2 = \alpha = \arcsin \left\{ \left\{ -\sin(\varphi_1 + \varphi_2) + \sqrt{\sin^2(\varphi_1 + \varphi_2) + \left[2 + \frac{1}{2}\cos(\varphi_1 + \varphi_2)\right][1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2)]} : \left[2 + \frac{1}{2}\cos(\varphi_1 + \varphi_2)\right] \right\} \right\}; \quad (8)$$

$$\beta = \arctg \left\{ \frac{1}{\sin 0,5\left(\frac{\pi}{2} - \varphi_{m\acute{o}}\right)} \operatorname{tg} \arcsin \left\{ \left\{ -\sin(\varphi_1 + \varphi_2) + \sqrt{\sin^2(\varphi_1 + \varphi_2) + \left[2 + \frac{1}{2}\cos(\varphi_1 + \varphi_2)\right][1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2)]} : \left[2 + \frac{1}{2}\cos(\varphi_1 + \varphi_2)\right] \right\} \right\} \right\}, \quad (9)$$

бунда φ_1, φ_2 – тупроқнинг ички ва ташқи ишқаланиш бурчаклари, град.

$\varphi_1 = 25-35^\circ$ ва $\varphi_2 = 35-45^\circ$ қабул қилиниб, (8) ва (9) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар лемехларнинг тупроққа кириш бурчаклари $24^\circ 46' - 31^\circ 18'$ оралиғида, увалаш бурчаклари эса $42^\circ 30' - 50^\circ 44'$ оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Машина лемехлари ва уларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг узунликларини улар қамраш кенгликлари ва ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчакларининг юқорида аниқланган қийматлари бўйича аниқлаймиз, яъни

$$l_1 = l_2 \geq \frac{0,5\Delta}{\sin\left(45^\circ - \frac{\varphi_{m\acute{o}}}{2}\right)}; \quad (10)$$

$$l_3 \geq \frac{0,5\Delta}{\sin\left(45^\circ - \frac{\varphi_{m\acute{o}}}{2}\right)}; \quad (11)$$

$$l_4 \geq \frac{\Delta}{\sin\left(45^\circ - \frac{\varphi_{m\acute{o}}}{2}\right)}. \quad (12)$$

$\Delta = 40$ см ва $\varphi_{m\acute{o}} = 40^\circ$ қабул қилиниб, (10)-(12) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблашлар машина лемехларининг ҳамда биринчи жуфт лемехларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг узунликлари камида 40 см, иккинчи жуфт лемехларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг узунликлари эса камида 80 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Анор тупларини ярим очадиған машинанинг тортишга умумий қаршилигини қуйидаги ифода орқали аниқлаймиз

$$\begin{aligned}
R_y = & 2 \left\{ \frac{a \tau_c (b + 0,5 \operatorname{actg} \psi_{\bar{e}}) \left[\sin \frac{1}{2} (\alpha + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2} (\alpha - \varphi_1 - \varphi_2) \cos \alpha \right]}{\cos \frac{1}{2} (\alpha + \varphi_1 + \varphi_2)} + \right. \\
& + T_{u \text{ л}} t_b \frac{1}{\sin \gamma_{\text{л}}} + \rho a b \frac{\sin (\alpha + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} \times \left(c g \frac{\cos^2 \beta}{\sin \gamma_{\text{л}}} + 2V^2 \sin \alpha \sin \gamma_{\text{л}} \right) + \varepsilon a b V^2 \\
& + \frac{a_1 \tau_c (B_1 + 0,5 \operatorname{actg} \psi_{\bar{e}}) \left[\sin \frac{1}{2} (\alpha_1 + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2} (\alpha_1 - \varphi_1 - \varphi_2) \cos \alpha_1 \right]}{\cos \frac{1}{2} (\alpha_1 + \varphi_1 + \varphi_2)} + \\
& + T_{u \text{ л}} t_{B_1} \frac{1}{\sin \gamma_{1\text{л}}} + \rho a_1 B_1 \frac{\sin (\alpha_1 + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} \times \left(c_1 g \frac{\cos^2 \beta_1}{\sin \gamma_{1\text{л}}} + 2V^2 \sin \alpha_1 \sin \gamma_{1\text{л}} \right) + \\
& + \frac{a_2 \tau_c (B_2 + 0,5 \operatorname{actg} \psi_{\bar{e}}) \left[\sin \frac{1}{2} (\alpha_2 + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2} (\alpha_2 - \varphi_1 - \varphi_2) \cos \alpha_2 \right]}{\cos \frac{1}{2} (\alpha_2 + \varphi_1 + \varphi_2)} + \\
& + T_{u \text{ л}} t_{B_2} \frac{1}{\sin \gamma_{1\text{л}}} + \rho a_2 B_2 \frac{\sin (\alpha_2 + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} \times \left(c_2 g \frac{\cos^2 \beta_2}{\sin \gamma_{2\text{л}}} + 2V^2 \sin \alpha_2 \sin \gamma_{2\text{л}} \right) + \\
& + \frac{0,976 b_{\kappa 1} \left\{ \left[\frac{h_{H1}}{2} (\operatorname{ctg} \varphi + \operatorname{ctg} \varphi_1) \right] \left[h_{H1} (\operatorname{ctg} \varphi + \operatorname{ctg} \varphi_1) + h_{\delta 1} \operatorname{ctg} \varphi_1 \right] \rho g f K_{\text{юю}} \right\} \operatorname{ctg} \mu}{\cos \varphi_1} \times \\
& \times (\sin \theta + f \cos \gamma_{m1} \cos \varphi) + \frac{0,976 b_{\kappa 2} \left\{ \left[\frac{h_{H2}}{2} (\operatorname{ctg} \varphi + \operatorname{ctg} \varphi_1) \right] \left[h_{H2} (\operatorname{ctg} \varphi + \operatorname{ctg} \varphi_1) + h_{\delta 2} \operatorname{ctg} \varphi_1 \right] \rho g f K_{\text{юю}} \right\} \operatorname{ctg} \mu}{\cos \varphi} \times \\
& \left. (\sin \theta + f \cos \gamma_{2\text{л}} \cos \varphi) + \mu_2 m_a g \right\}, \tag{13}
\end{aligned}$$

бунда $a=0,36$ м, $a_1=0,12$ м, $a_2=0,16$ м, $b=0,45$ м, $b_1=B_1=B_2=20$ см, $\alpha=20^\circ$, $\alpha_1=\alpha_2=30^\circ$, $T_u=1,1 \cdot 10^6$ Па, $t_{\text{л}}=0,001$ м, $\gamma_{\text{л}}=55-60^\circ$, $\tau_c=27,5 \cdot 10^3$ Па, $\beta=30^\circ$, $\varphi=30-35^\circ$, $\varphi_1=35-45^\circ$, $f=0,5$, $\varepsilon=1500-2000$ Нс²/м⁴, $\psi_{\bar{e}}=60^\circ$, $h_{n1}=h_{n2}=14,4$ см, $h_b=20$ см; $\gamma_y=35-50$, $\mu=30$; $K_{\text{юю}}=1,8$; $\theta=62$, $\varphi_1=20-30$; $\beta_1=35^\circ$, $\beta_2=35^\circ$, $b_n=33,0$ см, $\gamma_{1\text{л}}=30^\circ$, $\gamma_{2\text{л}}=35^\circ$, $\varphi=30^\circ$, $\rho=1300$ кг/м³, $m_a=420$ кг қабул қилиниб, (3.41) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 5 ва 7 км/ҳ ҳаракат тезлигида анор тупларини ярим очадиған машинанинг тортишга қаршилиги 12,41-13,00 кН оралиғида бўлишини кўрсатди.

Ушбу ифода бўйича ҳисоблашлар 5 ва 7 км/ҳ ҳаракат тезлигида анор

тупларини ярим очадиған машинанинг тортишга умумий қаршилиги 11,59-12,16 kN оралиғида бўлишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Анор тупларини ярим очадиған машина параметрларини асослаш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш учун ишлаб чиқилган лаборатория-дала қурилмасининг тузилиши ва қурилма корпуслари ва лемехлари орасидаги кўндаланг масофалар, лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги, лемехларнинг узунлиги, қурилма тупроқ йўналтиргичининг узунлигини уларнинг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган бир ва кўп омилли тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда анор тупларини ярим очадиған машинанинг параметрларини анор тупларини очилиш даражаси, улар қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги, тупроқнинг уваланиш сифати ҳамда унинг тортишга қаршилигига таъсири ўрганилди. Иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди. Ҳар иккала босқичда ҳам тажрибалар ҚХМИТИ тажриба хўжалигида барпо этилган анорзор ҳамда Сирдарё вилояти фермер хўжаликларида ўтказилди.

Бир омилли экспериментал тадқиқотларда махсус тайёрланган лаборатория-дала қурилмаси қўлланилиб қурилма корпуслари ва лемехлари орасидаги кўндаланг масофалар, лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги, лемехларнинг узунлиги, қурилма тупроқ йўналтиргичининг узунлигини анор тупларини очилиш даражаси, улар қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги, тупроқнинг уваланиш сифати ҳамда унинг тортишга қаршилигига таъсири ўрганилди. Уларнинг натижалари бўйича қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

қурилма корпуслари орасидаги кўндаланг масофа 70 см дан 100 см гача ортганда анор тупларини очилиш даражаси камайган, анор қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликлар баландлиги аввал камайиб, кейин ортган, қурилманинг тортишга қаршилиги камайиб борган. Анор тупларининг очилиш даражаси 50 % дан юқори бўлиши, улар қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги кўпи билан 15 см бўлиши ҳамда тортишга кам қаршили минимал бўлиши учун қурилма корпуслари орасидаги кўндаланг масофани 80 см бўлиши тавсия этилади;

лемехлар орасидаги кўндаланг масофани 80 см дан 100 см гача ортиши тупроқнинг уваланиш сифатини ёмонлашишига, анор тупларини очилиш даражаси, анор қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликлар баландлиги ҳамда қурилманинг тортишга қаршилигини камайишига, 100 см дан 110 см гача ортиши эса биринчи кўрсаткини яхшиланиши ҳамда қолган кўрсаткичларни камайишига олиб келган;

лемехларнинг узунлиги 35 см га тенг бўлганда ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам уларнинг ишчи юзаси етарли бўлмаганлиги сабабли анор тупларининг очилиш даражаси талаблар даражасида бўлмаган, улар

қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги эса талаб даражасида бўлган, лемехлар узунлиги 45 см ва ундан катта бўлганда анор тупларининг очилиш даражаси ва улар қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги ортган, тупроқнинг уваланиш сифати яхшилانган. Қурилманинг тортишга қаршилиги лемехлар узунлигининг ортиши билан ботиқ парабола қонунияти бўйича ортган;

лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги 20° дан 25° ортиши билан тупроқнинг уваланиш сифати ва анор тупларининг очилиш даражаси ортган, бу бурчак янада орттирилганда, яъни 25° дан 35° гача ўзгарганда тупроқнинг уваланиш сифати ва анор тупларининг очилиш даражаси камайган. Агрегат ҳаракат тезлигининг ортиши иккала кўрсаткичга ижобий таъсир кўрсатган. Лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги анор қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмаган. Қурилманинг тортишга қаршилиги унинг лемехларини тупроққа кириш бурчагига боғлиқ равишда ботиқ парабола кўринишида ўзгарди, яъни у $20-30^\circ$ бурчак оралиғида камайган, $30-35^\circ$ бурчак оралиғида ортган. Агрегат тезлиги ортиши билан қурилманинг тортишга қаршилиги ортган;

қурилма тупроқ йўналтиргичининг узунлиги 35 см бўлганда унинг узунлиги етарли бўлмаганлиги сабабли технологик иш жараёни тўлиқ бажарилмаган, унинг узунлиги 45 см бўлганда лемех томонидан узатилган тупроқ уюмини анор қаторлари ораларига тўлиқ узатилиши сабабли анор тупларини очилиш даражаси ҳам, қатор ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги ҳам талаблар даражасида бўлди, бундан ташқари тупроқнинг уваланиш сифати ҳам яхшиланди. Кейинчалик тупроқ йўналтиргичларнинг узунликлари 55, 65 см га оширилганда тупроқнинг уваланиш даражаси, анор тупларини очилиш даражаси ортган анор қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги эса камайган. Қурилманинг тортишга қаршилиги тупроқ йўналтиргичнинг узунлиги ортиши билан қабарик парабола қонунияти бўйича 13,3 kN дан 14,1 kN гача ортган;

ҳаракат тезлигини 5,5 km/h дан 6,8 km/h гача ортиши тупроқнинг уваланиш ва анор тупларини очилиш даражаларини ортишига, анор қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликлар баландлигини камайишига ва тортишга қаршилиқни ортишига олиб келган.

Анор тупларини ярим очадиған машинанинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун Хартли-4 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Тадқиқотларни ўтказиш учун анор тупларини ярим очадиған қурилманинг корпуслари орасидаги кўндаланг масофа, лемехлар орасидаги кўндаланг масофа, уларнинг тупроққа кириш бурчаги ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Жадвалда омилларнинг шартли белгиланишлари, вариацияланиш

оралиқлари ва сатҳи келтирилган.

Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш оралиғи ва сатҳи

Омилларнинг номланиши	Омилларнинг			Омилларнинг сатҳи		
	Ўлчов бирлиги	Шартли белгиланиши	Вариация-ланиш оралиғи	- 1	0	+1
1. Корпуслар орасидаги кўндаланг масофа	cm	X ₁	10	70	80	90
2. Лемехлар орасидаги кўндаланг масофа	cm	X ₂	10	80	90	100
3. Лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги	градус	X ₃	5	20	25	30
4. Иш тезлиги	km/h	X ₄	1,0	5,0	6,0	7,0

Тажриба натижаларига ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

анор тупларини очилиш даражаси бўйича (%)

$$Y_1 = 66,196 - 12,707X_1 - 5,650X_2 - 1,117X_3 + 8,377X_4 - 2,027X_1^2 + 1,007 X_2^2 - 0,429 X_2X_4 + 1,373 X_3^2 - 1,721 X_3X_4; \quad (14)$$

анор қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги бўйича (cm)

$$Y_2 = 14,704 + 1,080X_1 - 3,803X_2 - 2,557X_4 - 0,180X_1^2 - 0,125 X_1X_2 - 0,133X_1X_3 + 0,133 X_1X_4 + 0,142 X_2X_4 - 0,097 X_4^2; \quad (15)$$

тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_3 = 72,608 - 2,633X_2 + 7,317X_4 - 2,076X_1^2 - 0,396X_1X_2 - 0,396X_1X_3 + 0,388X_1X_4 + 1,124X_2^2 - 0,379X_2X_4 + 1,324X_3^2 - 1,212X_3X_4 + 0,358X_4^2; \quad (16)$$

қурилманинг тортишга қаршилиги бўйича (kN)

$$Y_4 = 13,050 - 2,247X_1 - 1,600X_2 + 0,217X_3 + 2,900X_4 + 0,330X_1^2 - 0,096X_1X_2 - 0,846X_1X_3 + 0,504X_1X_4 - 1,053X_2^2 - 1,146X_2X_3 + 0,787X_2X_4 - 1,170X_3^2 + 1,254X_3X_4 + 1,047X_4^2; \quad (17)$$

Ушбу регрессия тенгламаларидан кўришиб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган.

Параметрларнинг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган қийматларини аниқлашда (13)-(16)

регрессия тенгламалари ПК «Pentium IV» компьютерида Excel дастурини «ечимни қидириш» (поиск решения) амали бўйича 5 ва 7 km/h тезликлар учун биргаликда ечилди. Регрессия тенгламаларини биргаликда ечишда Y_1 мезон, яъни анор тупларини очилиш даражаси 50 % дан кам бўлмаслиги, Y_2 мезон, яъни анор қатор ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги 15 см дан катта бўлмаслиги, Y_3 мезон, яъни ўлчами 50 mm дан кичик бўлган тупроқ фракциялар миқдори 75 фоиздан кам бўлмаслиги ҳамда Y_4 мезон, яъни қурилманинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартларидан биргаликда ечилиб, омилларнинг ушбу шартларнинг бажарилишини таъминловчи қуйидаги мақбул қийматлари аниқланди: $L_k = 68,5-73,4$ см, $b_d = 100,5-102,1$ см, $\alpha = 25^\circ 42' - 26^\circ 42'$.

Омилларнинг бу қийматларида Y_1 мезон 59,5-68,2 % оралиғида, Y_2 мезон 11,65-14,82 см оралиғида, Y_3 мезон 73,76-87,33 % оралиғида ҳамда Y_4 мезон 11,38-16,48 kN оралиғида бўлади.

Демак, анор тупларини ярим очадиган қурилма 5-7 km/h иш тезликларда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаши учун унинг корпуслари орасидаги кўндаланг масофа 78,5-83,4 см, лемехлари орасидаги кўндаланг масофа 100,5-102,1 см ҳамда лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги $25^\circ 42' - 26^\circ 42'$ оралиғида бўлиши лозим.

Диссертациянинг «**Анор тупларини ярим очадиган машинанинг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқилган ҳамда параметрлари асосланган анор тупларини ярим очадиган машина тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самараси келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган анор тупларини ярим очадиган машинанинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараённи ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди.

Техник иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар ишлаб чиқилган анор тупларини ярим очадиган машина кўмилган анор тупларини ярим очишда қўлланилганда меҳнат сарфи 14 фоизга ва бир гектарга сарфланадиган эксплуатацион харажатлар 16,2 фоизга камаяди. Бунда йиллик иқтисодий самара битта машинага 12339738,88 сўм ни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Анор тупларини ярим очадиган машина параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Кўмилган анор тупларини очишда қўлланиладиган техник воситалар конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатадики, кузда кўмилган анор тупларини

баҳорда ярим очишда қўлланиладиган машина параметрларини мақбуллаштириш иш сифати ва унумини ошириш имконини беради.

2. Анор тупларини ярим очадиган машина корпуслари орасидаги кўндаланг масофани 80 см, машина корпусларининг камраш кенглигини 28-30 см, тупроққа ботиш чуқурлигини эса 21-24 см оралиғида бўлиши технологик жараённинг ишончли бажарилишини таъминлайди.

3. Машина биринчи ва иккинчи жуфт лемехларга ўрнатилган тупроқ йўналтиргичларнинг камраш кенгликлари мос равишда камида 20 см ва 40 см бўлиши уларнинг лемехлари томонидан ишлов берилган тупроқни корпуслар томонидан ҳосил қилинган очиқ эгатларга етказиб берилишини таъминлайди.

4. Лемехларнинг тупроққа кириш бурчакларини $24^{\circ}46'$ - $31^{\circ}18'$ оралиғида, увалаш бурчакларини эса $42^{\circ}30'$ - $50^{\circ}44'$ оралиғида бўлиши тупроқни сифатли уваланишини ҳамда энергиятежамкорлик таъминлаш имконини беради.

5. Анор тупларини ярим очадиган машинанинг корпуслари орасидаги кўндаланг масофа 80 см, лемехлари орасидаги кўндаланг масофа 100 см бўлиши машинанинг агротехник талабларни тўлиқ бажарган ҳолда ишончли ишлашини таъминлайди.

6. Машина лемехларининг узунлиги камида 45 см, лемехларни тупроққа кириш бурчаги $25-30^{\circ}$ оралиғида бўлиши анор тупларининг очилиш даражаси ва улар қаторлари ораларида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландликлари талаблар даражасида бўлишини таъминлайди.

7. 5-7 km/h иш тезликларида машина корпуслари орасидаги кўндаланг масофа 78,5-83,4 см, лемехлари орасидаги кўндаланг масофа 100,5-102,1 см ҳамда лемехларнинг тупроққа кириш бурчаги $25^{\circ}42'$ - $26^{\circ}42'$ оралиғида бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаш имконини беради.

8. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган анор тупларини ярим очадиган машина қўлланилганда меҳнат сарфини 14 фоизга ва бир гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатларни 16,2 фоизга камайтириш ва буни эвазига битта машинадан йилига 12339738,88 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ
ИНСТИТУТ**

ТУРАЕВ НОСИРЖОН СОБИРЖОНОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ МАШИНЫ ДЛЯ
ПОЛУОТКРЫТИЯ КУСТОВ ГРАНАТ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

НАМАНГАН– 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/Т1997.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: (www.nmpi_info@edu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Имомкулов Кутбиддин Бокижонович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тожиев Расулжон Жумабоевич доктор технических наук, профессор Насритдинов Ахмаджон Абдихамидович кандидат технических наук, профессор
Ведущая организация:	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер 18781). Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(Протокол рассылки № _____ «_____» _____ 2022 года).

Н.Г.Байбобоев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

В.М.Турдалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

А.Х. Умурзаков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в настоящее время место занимает разработка и широкое внедрение энергосберегающих, высокопроизводительных машин с простейшей конструкцией для открытия кустов гранат, укрытых в зимнем сезоне, в том числе обрабатывающие их без повреждения. «Если учесть, что в настоящее время в мире площадь выращивания субтропических фруктовых деревьев составляет 0,6 млрд. гектаров»¹, то конструкция машин, используемых при уходе за ним, прежде всего, должна быть приспособленной, быстро регулируемой и с высоким качеством работы. В этом отношении большое внимание уделяется совершенствованию существующих и разработке новых технических средств, применяемых при обработке кустов гранат.

В мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на создание новых поколений ресурсосберегающих технологий и технических средств по уходу за кустами гранат с высокими качественными показателями качества, разработку научно-технических основ совершенствования существующих. В этом направлении актуальными вопросами являются разработка конструкций энергоресурсосберегающих машин, способных обрабатывать кусты гранат на требуемом уровне с минимальными повреждениями, проведение целевых научных исследований по обоснованию технологических процессов их работы и параметров рабочих органов.

В садоводческих и дехканских хозяйствах республики в зимний период кусты гранат укрываются и открываются ранней весной, учитывая это, особое внимание уделяется разработке и применению машин для обработки кустов гранат для сельскохозяйственного производства с высокой производительностью. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в частности, «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². В выполнении этих задач, в частности, важными задачами на сегодняшний день являются разработка технологически усовершенствованной конструкции машины для открытия укрытых кустов гранат без повреждений, и обоснование параметров ее рабочих органов, а также обеспечение высокой производительности труда.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнения задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

¹<http://www.nrcs.usda.gov>, <http://cropwatch.unl.edu/tillage/ridge>; <https://www.moluch.ru>, <https://www.zerno-ua.com>.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

